2007 ЙИЛ, 14 ДЕКАБРЬ, ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 245 (11.054)

Баҳоси эркин нархда

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## ЮНИСЕФНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ВАКОЛАТХОНАСИ РАҲБАРИ МУҲАММАД РИЗО ХУССАЙНИНИ “ДЎСТЛИК” ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси ва ЮНИСЕФ ўртасидаги кенг кўламли ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, баркамол ёш авлодни тарбиялаш ишига муносиб ҳисса қўшгани ҳамда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий соҳада эришган ютуқларини халқаро жамоатчилик орасида фаол тарғиб этишдаги хизматлари учун ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Муҳаммад Ризо Хуссайни “Дўстлик” ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2007 йил 12 декабрь*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

## ҚУРБОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Қурбон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Диний байрам — Қурбон ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш ҳақида»ги 1991 йил 20 июндаги ПФ-221-сон Фармонига мувофиқ:

1. 2007 йилда Қурбон ҳайитининг биринчи куни 19 декабрга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идораси мурожаатини инобатга олиб, 2007 йил 19 декабрь дам олиш куни деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.
2. Республика «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа барча мутасадди идора ва жамоат ташкилотлари Қурбон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.
3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Қурбон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2007 йил 13 декабрь*

## ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

**ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ – ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД ИСЛОМ КАРИМОВ 13 ДЕКАБРЬ КУНИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШДИ.**

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 11-Тошкент вилояти округ сайлов комиссияси раиси С.Қурбонқулов очди. Йиғилганлар номзоднинг дастури билан таништирилди. Дастурда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни изчил давом эттириш, демократияни мустаҳкамлаш, қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш, фермерликни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, сармоявий муҳитни янада яхшилаш, солиқ юкини камайтириш, ишлаб чиқаришга юқори технологияларни кенг жорий этиш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада ошириш каби муҳим масалалар қамраб олинган.

Учрашувда Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Истиқлол йилларида бутун мамлакатимиз каби Тошкент вилоятида ҳам кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди, деди Ислом Каримов. Вилоятда саноатнинг тоғ-кон, кимё, тўқимачилик, қайта ишлаш каби кўплаб тармоқлари изчил ривожланмоқда. «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очиқ акционерлик жамияти, «Оҳангарон-цемент» акционерлик жамияти, «Спентекс-Тўйтепа» қўшма корхонаси каби йирик ишлаб чиқариш мажмуалари нафақат вилоят, балки мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Жорий йилнинг 9 ойида вилоятда экспорт ҳажми 1,5 баробар ошгани ҳам шундан далолатдир. Вилоятда аҳоли турмуш даражасини янада юксалтириш, ерлар унумдорлигини ошириш, қишлоққа саноат ва сервисни олиб кириш борасида, шунингдек, маданий-маърифий соҳаларда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Дарҳақиқат, амалга оширилаётган туб ислоҳотлар туфайли мамлакатимиз иқтисодиёти ва халқимиз фаровонлиги тобора юксалмоқда. Пенсия ва ижтимоий нафақалар миқдори, аҳолининг реал даромадлари изчил оширилмоқда. Мамлакатни модернизация қилиш ва демократлаштириш, иқтисодий ва сиёсий соҳаларни либераллаштириш жараёнлари изчил давом этмоқда. Булар халқ фаровонлиги ва даромадларини муттасил юксалтиришга қаратилган устувор вазифалар изчиллик билан амалга оширилаётганининг амалий ифодасидир.

Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоиров, Оққўрғон туманидаги 16-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Азиз Қўшбоев, Тошкент вилояти корейслар жамоатчилик бирлашмаси раиси Зоя Ан мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, ижтимоий ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш, иқтисодиётни ривожлантириш, мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги нуфузини юксалтириш борасида амалга оширилган бетимсол ишлар бевосита Ислом Каримов номи билан боғлиқ эканлигини қайд этдилар. Ислом Каримов номзодини қўллаб-қувватлаш мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларни изчил давом эттириш, иқтисодиётни ривожлантириш ва халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада юксалтириш каби долзарб масалаларни амалга оширишнинг муҳим кафолати эканлигини алоҳида таъкидладилар.

**А.БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири**

## ДИЛОРОМ ТОШМУҲАМЕДОВАНИНГ САМАРҚАНДЛИК САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВИ

**ЎЗБЕКИСТОН “АДОЛАТ” СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД ДИЛОРОМ ТОШМУҲАМЕДОВА 13 ДЕКАБРЬ КУНИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШДИ.**

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 8-Самарқанд округ сайлов комиссиясининг раиси А.Умаров очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили, «Адолат» социал-демократик партияси Жомбой туман кенгаши биринчи котиби Гулбаҳор Муқаддасова йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли ва дастури билан таништирди.

Дастурда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўз самараларини бераётгани, мамлакатимиз иқтисодиёти ва халқимиз фаровонлиги тобора юксалиб бораётгани таъкидланган. Иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маънавий-маърифий соҳалардаги ислоҳотлар чуқурлашиб, хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеи тобора мустаҳкамланмоқда. Ёшларимизнинг замон талаблари даражасида таълим-тарбия олиши, ҳар томонлама камол топиши, ўз иқтидор ва салоҳиятини намоён этиши учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Д.Тошмуҳамедова нутқ сўзлади.

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Самарқанд филиали етакчи илмий ходими Фарҳод Набиев, Самарқанд шаҳридаги «Andromed&Horev-S» тиббий маркази шифокори Сожида Зокирова ва бошқалар сўзга чиқиб, номзоднинг дастури хусусида фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кўппартиявийлик ва муқобиллик асосида ўтаётгани мамлакатимизда демократия тамойилларига амал қилинаётганидан, миллий сайлов тизимимиз халқаро нормаларга тўла мос келишидан далолат эканини алоҳида қайд этиб, сайловчиларни 23 декабрь куни бўладиган Президент сайловида фаол иштирок этишга чақирдилар.

**Ғ. ХАСАНОВ,**
**ЎзА мухбири**

## АКМАЛ САИДОВНИНГ СИРДАРЁЛИК САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВИ

**МАМЛАКАТИМИЗДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИГА ТАЙЁРГАРЛИК ЖАРАЁНИ ДАВОМ ЭТМОҚДА. ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОДЛАР ЖОЙЛАРДА САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШМОҚДА. САЙЛОВЧИЛАРНИНГ ТАШАББУСКОР ГУРУҲИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД АКМАЛ САИДОВ 13 ДЕКАБРЬ КУНИ СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШДИ.**

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 9-Сирдарё округ сайлов комиссиясининг раиси С.Қудратов очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили, «Ҳилол» нодавлат-нотижорат ташкилоти ходими Дилфуза Реимбаева йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли ҳамда дастури билан таништирди. Дастурда мустақиллик йилларида мамлакатимизда барча соҳаларда кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилаётгани, бунинг самараси аҳоли турмуш фаровонлиги яхшиланиб, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш жараёни изчил давом этаётганида яққол намоён бўлаётгани таъкидланган. Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, суд-ҳуқуқ тизими, фан ва таълим, соғлиқни сақлаш, маънавий-маърифий соҳалардаги ислоҳотлар, аввало, инсон манфаатларига хизмат қилмоқда. Ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом камол топиши учун ҳамма зарур шарт-шароитлар яратилиб, уларга алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод А.Саидов учрашувда нутқ сўзлади.

Сирдарё вилоят ногиронлар жамияти раиси Комил Абдуллаев, «Нуроний» жамғармаси Ховос туман бўлими раиси Жуман Суюнов, рус миллий маданияти Сирдарё вилояти маркази раҳбари Вадим Дубьков, Сирдарё туман адвокатлар бюроси раиси Шукур Нурматов ва бошқалар Президентликка номзоднинг дастури ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилдилар. Сайловчиларни 2007 йил 23 декабрь куни бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирдилар.

Бундай учрашувлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови Конституциямиз ва миллий қонунчилигимиз талаблари асосида, умумэътироф этилган халқаро нормаларга мувофиқ, кўппартиявийлик ва муқобиллик асосида, шунингдек, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳи томонидан кўрсатилган номзод иштирокида ўтаётгани мамлакатимиз сайлов тизимида демократик тамойилларга қатъий амал қилинаётганидан далолатдир.

**Д. ЭСОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

**ДАСТУРХОНДАГИ НОНИМИЗ — РИЗҚ-РЎЗИМИЗ. АНА ШУ РИЗҚИМИЗ БУТУНЛИГИ УЧУН ҲАМИША БЕБАҲО НЕЪМАТ САНАЛМИШ НОННИНГ ҚАДРИГА ЕТМОҒИМИЗ, ИСРОФГАРЧИЛИГИГА АСЛО ЙЎЛ ҚЎЙМАСЛИГИМИЗ ЛОЗИМ.**



*Тадбиркорлик*

## АЗИЗ НЕЪМАТ ЯРАТУВЧИЛАР

Шунинг баробарида нон ва нон маҳсулотлари тайёрлаш йўлида тунни тонгга улаётган новвойларнинг меҳнату маҳоратлари, ғайрату шижоатларини алоҳида таъкидлаш ўринли. Албатта, улар аҳоли дастурхонига ҳар доим файз бағишловчи, ўрнини ҳеч қандай маҳсулот боса олмайдиган нон етказиб бериш, унинг сифатини таъминлаш учун астойдил изланишади. «Сунбула-нон» масъулияти чекланган жамияти ана шундай жамоалардан саналиб, ҳамшаҳарларимиз талаб ва эҳтиёжини қондиришга, сифатли нон маҳсулотлари тайёрлашга интилмоқда.

*(Давоми 2-бетда).*

## Қисқа сатрларда

● **БУГУН** Ҳамза туманидаги “Тенгдош“ маданият уйи бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг Ижтимоий ҳимоя йилига бағишланган йиллик ҳисобот концерт дастури уюштирилди.

● **ТОШКЕНТ** Юридик коллежида кеча вояга етмаганлар орасида жиноятчилик ҳоллари содир этилишининг олдини олиш масалаларига бағишланган давра суҳбати ўқувчилар, ўқитувчилар, ҳуқуқшунослар иштирокида ташкил этилди.

● **КЕЧА** халқаро «Маданият карвонсарой» ҳамда Республика тасвирий ва амалий санъат лицейи ҳамкорликларида мазкур лицейнинг иқтидорли ёш рассомлари иштирокида ўтказилган кўргазма “Рангин дунё“ деб номланди.

● **ЧИЛОНЗОР** туманидаги 204-мактабгача таълим муассасасида болажонларга малакали таълим бериш мақсадида ташкил этилган 10 дан ортиқ тўгараклар иш бошлади.

**(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).**

## XXI АСР САДОСИ

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Мамлакатимиз Президенти И.Каримовнинг шу йил 12 февралда Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида сўзлаган маърузасидаги асосий вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Осиё Тараққиёт банки билан ҳамкорликда «Ўзбекистон Республикасида микромолиялашнинг ривожланиши ва таҳлили» мавзуида семинар ўтказди.**

● **Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ташаббуси билан Тошкент Ислом университетида ZiyoNET ахборот тармоғи янги бўлинмаларининг тақдимоти бўлиб ўтди. Эндиликда мамлакатимиздаги барча ўқув масканларининг ZiyoNET тармоғига уланиши кўзда тутилмоқда.**

● **Тошкентдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида унни бойитиш бўйича миллий дастур доирасида ЮНИСЕФ ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамкорлигида журналистлар ўртасида ўтказилган учинчи миллий танлов ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Танлов ғолиб ва совриндорларига қимматбаҳо совғалар ва сертификатлар топширилди.**

● **Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодлар ўртасида ўтказилаётган кўрик-танловнинг Хоразм вилояти босқичи якунланди. Унда 25 нафар иқтидорли қизлар фан, таълим, адабиёт, санъат ва маданият йўналишлари бўйича ўз билим ва маҳоратларини намойиш этишди.**

● **Тошкентдаги Халқ истеъмоли товарлари кўргазма-ярмарка савдоси республика марказида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамда «Ўзулгуржисавдоинвест» уюшмаси ҳамкорлигида мамлакатимиздаги савдо ташкилотлари ўртасида ташкил этилган «Аҳолига энг яхши савдо хизмати кўрсатувчи» ва «Энг яхши қишлоқ дўкони» йўналишлари бўйича ўтказилган танловнинг якуний босқичи бўлиб ўтди.**

●**Чирчиқда «Жасур болалар» ҳарбий-спорт-сайёҳлик ўйинларининг финал босқичи бўлиб ўтди. Ушбу ўйинлар соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, туризмни ривожлантириш ва ўсмирларни Қуролли Кучлар сафларида хизматга тайёрлаш мақсадида ташкил этилди.**

● **Избоскан туманидаги «Пойтуғ» акциядорлик жамияти негизида ташкил топган «Пойтуғтекс» қўшма корхонасида Германия ва Жанубий Кореядан келтирилган янги ускуналарни ўрнатиш бошланди. Корхонада келгусида тўқимачилик ҳамда тикувчилик цехини ишга тушириш режалаштирилган. Шунда яна 300 нафар киши доимий иш билан таъминланади.**

● **Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё вилояти мусиқали драма театрида Абдулла Қаҳҳор асари асосида саҳналаштирилган «Аяжонларим» спектаклининг премьераси ихлосмандлар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.**

### ЖАҲОНДА

● **Португалия пойтахти Лиссабонда Европа Иттифоқи таркибига кирувчи 27 давлат раҳбарлари Европа Иқтисодий Кенгашининг муҳим битимини тасдиқлашди. Унга кўра Европа Иттифоқининг ўз президенти ҳамда ташқи ишлар вазири бўлади. Ушбу битимни ратификация қилишга камида бир йил кетиши таъкидланмоқда.**

● **Бугун Россия Марказий сайлов комиссияси бешинчи чақириқ Давлат думасининг шахсий таркибини тасдиқлайди, барча депутатларга гувоҳномалар топширилади.**

● **Британия армияси 16 декабрь куни Басра вилояти назоратини ироқликларга топширади. Ушбу маълумотни Ироқ ҳукумати ва Британия мудофаа вазирлиги вакиллари тасдиқлади.**

● **Кеча Украина Олий Радаси учинчи бор мамлакат Бош вазирини сайлай олмади. Бунда дастлаб залдаги электрон тизимнинг носозлиги сабаб қилиб кўрсатилганди. Бироқ, охир-оқибатда депутатларнинг тугмачаларни нотўғри босганлиги орқали чалкашликлар келиб чиққанлиги маълум бўлди.**

● **Мексика полицияси сохта доллар чиқариш билан шуғулланган йирик жиноий гуруҳни қўлга олди. Гвадалахара шаҳрида уларни ушлаш бўйича ўтказилган амалиётлар чоғида жиноятчилардан 1,14 миллион долларлик қалбаки пул мусодара қилинди.**

● **Доминикан Республикасида бир неча кундан буён «Ольга» тропик бўрони кутурмоқда. Бўрон натижасида юз берган жала дарёларни ўзанидан чиқариб юборди. Дастлабки маълумотларга қараганда, тошқин оқибатида тўққиз киши ҳалок бўлган, бир неча киши бедарак йўқолган. Беш мингта уй-жой тошқиндан зарар кўрган.**

● **Гаага халқаро трибунали Босния серблари армиясининг собиқ генерали Драгомир Милошевичга 33 йиллик қамоқ жазоси тайинлади. Собиқ генерал инсониятга қарши жиноятлар содир этишда айбдор деб топилди. Олиб борилган текширувлар хулосасига кўра, Милошевич 90-йиллар ўрталарида Сараевони қамал қилишда бошчилик қилган ва ушбу қамал пайтида юзлаб тинч аҳоли вакиллари отиб ўлдирилган.**

● **Молдова ҳукумати Кишинёвдаги Руминия элчихонасида ишлаётган икки дипломатни мамлакатдан чиқариб юборди. Руминия элчисига берилган расмий нотада таъкидланишича, элчихона ходимлари дипломат мақомига мос келмайдиган хатти-ҳаракати учун мамлакатдан чиқариб юборилган.**

# АЗИЗ НЕЪМАТ ЯРАТУВЧИЛАР

*(Давоми.Боши 1-бетда).*

Корхона ишчи-хизматчилари деҳқонларимиз заҳматли меҳнатлари эвазига етиштирилган дон маҳсулотидан тайёрланган хом ашё — ундан самарали фойдаланган ҳолда замонавий линиялар қуввати асосида турли хил нон ва нон маҳсулотлари тайёрлашади. Улар иш жараёнида сифатга эътибор қаратиш билан бирга энергияни тежашга, хом ашёдан унумли фойдаланишга эришишмоқда. Эътиборли томони эса корхонада тайёрланган нон маҳсулотлари харидорларга манзур бўлаётгани, аҳоли дастурхони тўкинлигини таъминлаётганидир.

— Корхонамиз бундан ўн йиллар аввал кунига 2 тонна маҳсулот тайёрлаган бўлса, ҳозирда 15 тоннадан зиёд биринчи навли ва 350 килограмм олий навли ундан 32 турдаги хилма хил нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқармоқдамиз, — дейди жамият раиси Тоҳир Одилов. — Маҳсулотларимиз сифатини оширишда эса замонавий техника ва технологиялардан самарали фойдаланиш юксак натижа беришини яхши англаймиз. Азиз неъмат ҳисобланган нон нафақат дастурхонимиз кўрки, балки саломатлигимиз гарови эканлигини ҳам унутмаган ҳолда истеъмолчиларимиз унинг қадрига етишини истардим. Негаки, нон харидор истеъмолига етиб боргунича унинг замирида деҳқону донни қайта ишлаш корхоналари ишчиларининг, новвойларнинг заҳматли меҳнати ётади.

Корхонада аҳоли соғлиғини мустаҳкамлашга ҳисса қўшиш мақсадида 6 турдаги шифобахш нонлар ҳам тайёрланади ва улар кўплаб касалликлардан фориғ бўлишга, инсон саломатлигини тиклашга ёрдам беради. Айниқса, маҳсулот тайёрлашда сифатнинг бош мезон эканлиги, унинг қатъий назорат этилиши муваффақиятларга гаров бўлмоқда.

Бугунги кунда 60 нафар ишчи-хизматчи фаолият кўрсатаётган корхона тадбиркорларининг келгусидаги режаларига янги линиялар билан жиҳозланган қандолат цехини ишга тушириш ва шу асосда ишлаб чиқариш ҳажми, маҳсулот турларини ошириш, қўшимча ишчи ўринлари яратиш киради. Харидорларга қулайлик яратиш мақсадида «Сунбула-нон» фирма дўкони хизмати ҳам барчани мамнун этмоқда. Дўкондаги иссиқ ва янги нон маҳсулотлари истеъмолчилар эҳтиёжини қондирмоқда.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**СУРАТДА: корхона фаолиятидан лавҳа.**

**Ҳусанбой Аввалов олган сурат**

**КУНИ КЕЧА СЕРГЕЛИ ТУМАНИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ «СТАНДАРТЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА», «МЕТРОЛОГИЯ ТЎҒРИСИДА», «МАҲСУЛОТ ВА ХИЗМАТЛАРНИ СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА»,«ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИНИШИ ҲАМДА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ «МАҲСУЛОТЛАРНИ КАТАЛОГЛАШТИРИШ ДАВЛАТ ТИЗИМИНИ ОЛИБ БОРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ТЕКШИРИШНИ ЯНАДА ҚИСҚАРТИРИШ ВА УНИНГ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ ЮЗАСИДАН ЎҚУВ-СЕМИНАР ЎТКАЗИЛДИ.**

*Қарор ва ижро*

# ЎҚУВ-СЕМИНАР ЎТКАЗИЛДИ

Мазкур тадбирни Тошкент шаҳар Стандартлаштириш ва метрология бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг Тошкент шаҳар бошқармаси ҳамда Тошкент шаҳар Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмаси ҳамкорликда ташкил этиб, унда юқоридаги ташкилотлар раҳбарлари, етакчи мутахассислар ва шаҳримиздаги элликка яқин кичик бизнес субъектлари ҳамда хусусий тадбиркорлар қатнашдилар. Шунингдек, ўқув семинарида назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг туманлар комиссияси негизидаги жамоатчилик кенгашлари раҳбарлари, давлат корхоналарининг раҳбарлари ҳам иштирок этишди.

Анжуманни кириш сўзи билан очган Тошкент шаҳар Стандартлаштириш ва метрология бошқармаси бошлиғи ўринбосари Абдуҳамид Абдуқодиров жумладан шундай деди:

— Юртимиз иқтисодиётини ривожлантиришга йўналтирилган Фармон ва қарорлар ижросини таъминлаш асосий вазифамиз ҳисобланади. «Стандартлаштириш тўғрисида»ги қонун маҳсулотлар, жараёнлар, ишлар ва хизматларнинг, аҳолининг ҳаёти, соғлиғи, мол-мулки, атроф-муҳит учун хавфсизлиги, ресурсларни тежаш масалаларида истеъмолчилар ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, маҳсулотларнинг ўзаро алмашувчанлиги ҳамда бир-бирига мос келишини, уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, ишлаб чиқаришнинг техник кўрсаткичларини яхшилаш, илмий-техникавий лойиҳаларни амалга ошириш, истеъмолчиларни ўзимизда тайёрланаётган товарлар тўғрисидаги тўлиқ ва ишончли ахборот билан, ўлчовларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлашдан иборатлигини алоҳида таъкидламоқчиман.

Шунингдек, семинарда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг Тошкент шаҳар бошқармаси бош мутахассиси, Тошкент шаҳар Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмаси раиси, «Ўзстандарт» агентлиги ахборот-маълумот марказининг етакчи мутахассиси ҳамда Сергели туман бандликка кўмаклашиш маркази раҳбари сўзга чиқиб, юқорида келтирилган Фармон ва қарорларнинг ижросини таъминлашда нималарга эътибор қаратилиши лозимлиги юзасидан атрофлича тушунтириш беришди.

Эътиборли томони, йиғилиш давомида қатнашчилар томонидан савол-жавоб, мулоқотларда самимийлик муҳити яққол сезилиб турди. Тадбиркорлар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан қониқарли жавоблар олишди. Ўқув-семинар давомида қарорлар ижросини таъминлаш хусусида қатор амалий таклифлар киритилди.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

**ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ (ИҲТ) ҚОШИДАГИ МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИНИНГ ИНГЛИЗ ТИЛИДА ЧОП ЭТИЛАДИГАН НАШРИ — «CULTURAL MAGAZINE» ЖУРНАЛИНИНГ НАВБАТДАГИ СОНИ ЯҚИНДА БОСМАДАН ЧИҚДИ. УНДА ЎЗБЕКИСТОН МАВЗУСИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛГАН. МАЗКУР НУФУЗЛИ ЖУРНАЛ ИҲТГА АЪЗО ДАВЛАТЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАДАНИЙ ВА АКАДЕМИК ДОИРАЛАРИ ЎРТАСИДА КАТТА ЭЪТИБОР ҚОЗОНГАН.**

# «CULTURAL MAGAZINE» САҲИФАЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН МАВЗУСИ

Журнал саҳифаларидан жой олган биринчи салмоқли мақола мавзуси ғазал мулкининг султони Алишер Навоийнинг бетакрор меросига бағишланган. «Алишер Навоий – буюк файласуф, шоир, санъаткор ва орнаменталист» сарлавҳаси остида чоп этилган бу мақолада халқимизнинг буюк бобокалони Алишер Навоийнинг жаҳон адабиётида тутган ўрни, унинг инсонпарварлик ғоялари билан йўғрилган асарлари ҳақидаги атрофлича маълумотлар ўз аксини топган.

Мақолада Алишер Навоийнинг асарлари жаҳоннинг ўнлаб халқлари тилларига таржима қилингани, шоирнинг ижодий мероси эса жуда бой ва кўп қиррали эканлиги таъкидланади. Навоий шеъриятида тинчлик ва тотувлик, инсон ўзининг ҳур фикри билан ёвузлик ва зулмат устидан ғалаба қозониши борасидаги эзгу ғоялар улуғланади.

«Алишер Навоий раҳнамолигида ва унинг бевосита қўллаб-қувватлаши билан тарихчи Мирхонд ва Хондамир, мусиқашунос Ҳусайн Удий ва Қулмуҳаммад Най, рассомлар Беҳзод ва Шоҳ Музаффар, хаттот Султон Али ва Мир Али каби кўпгина истеъдод эгалари етишиб чиқди», — дея қайд этилади мақолада.

А.Навоий ижоди туркий айниқса, унинг анъаналари асосида ривож топган ўзбек адабиёти тараққиётига кучли туртки берди.

Мақолада мустақил Ўзбекистонда бетакрор ижодкорнинг бой маънавий ва бадиий мероси кенг ўрганилаётганига алоҳида урғу берилади. Мамлакат пойтахти марказида гўзал ва тароватли Навоий номидаги Миллий боғ ташкил этилгани, Чирчиқ ва Навоий шаҳарларида буюк бобомиз хотирасига атаб улуғвор ҳайкаллар ўрнатилгани ҳам муаллиф эътиборидан четда қолмаган.

«Cultural Magazine» журналида эълон қилинган яна бир мақола Марғилон шаҳрига бағишланган.

— Асрлар давомида Марғилон шаҳри Фарғона водийсидаги савдо-сотиқ ва маданият маркази бўлиб келган, — деб ёзади муаллиф. — Қадимий манбаларнинг гувоҳлик беришича, мазкур шаҳар азал-азалдан ўзининг нафис ипаги, бежирим ҳунармандчилик маҳсулотлари, кўркам ва чопқир отлари билан машҳур бўлган. Марғилон дунёга Имом Бурҳониддин Марғинонийдек ислом фиқҳшуносини етиштириб берган. 2000 йили ЮНЕСКО ташаббуси билан бу буюк алломанинг 910 йиллик юбилей тантаналари кенг нишонланди. Тадбир арафасида шаҳарда Марғиноний мажмуаси қад ростлади».

Шунингдек, «Cultural Magazine»да Ўзбекистоннинг бой мусиқа маданияти мавзусига бағишланган «Мусиқа асбобларини тавсифлаш назарияси» сарлавҳали мақола ҳам эълон қилинган.

Унда маданий мерос дурдоналари — халқ оғзаки ижоди, ашулалар, турли ёзма манбалар орқали бизгача етиб келган ҳамда Шарқда кенг қўлланилган мусиқа асбоблари, уларнинг тарихи билан боғлиқ фикр-мулоҳазалар қаламга олинган. Муаллиф уд, ғижжак, най, қўшнай, доира, танбур, тор каби мусиқа асбобларининг яратилиш тарихига, уларнинг ўзига хос жиҳатларига атрофлича тўхталади.

— Мусиқа асбобларининг тавсифи X асрга қадар махсус ҳолда ёзилмаган эди, — деб ёзади муаллиф. — Биринчи бўлиб бу ишга Абу Наср Фаробий қўл урди. XI асрга келиб эса Ибн Сино томонидан бу борада янги ва янада мукаммал тизим ишлаб чиқилди. Бу буюк алломаларнинг мусиқа санъати бобидаги назарий қарашлари чуқур илмий таҳлилга эгадир.

Журнал саҳифаларидан жой олган ва ранг-баранг безатилган ҳар бир мақола журналхонларда катта қизиқиш уйғотишига шубҳа йўқ.

**Л.РАҲМАТОВ,**
**«Жаҳон» АА мухбири**

# МУСТАҚИЛЛИКДА КАМОЛ ТОПГАН ҲУНАРМАНДЛАР

**РЕСПУБЛИКА БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИНИНГ КЎРГАЗМАЛАР ЗАЛИДА "МУСТАҚИЛЛИК НАФАСИДА КАМОЛ ТОПГАН ҲУНАРМАНДЛАР" ДЕБ НОМЛАНГАН КЎРГАЗМА ОЧИЛДИ.**

Ёш мутахассислар тайёрлайдиган ҳунармандлар ўқув маскани пойтахтимизнинг ўзида учта. Барча вилоятларда эса биттадан мавжудлиги юртимизда ҳунармандчилик ривожига алоҳида аҳамият қаратилаётганлигини кўрсатади. 1997 йил ўттиз биринчи мартда Президентимиз Фармонига биноан "Ҳунарманд" уюшмаси ташкил этилди. Бу эса уй шароитида якка тартибда меҳнат фаолиятини юритаётган ҳунармандларни уюшмага бирлаштириб, уларни даромад солиғи ва божхона тўловларидан озод қилинишига сабаб бўлди. "Ҳунарманд" уюшмаси йўқолиб кетган халқ амалий санъати ва ҳунармандчилик турларини қайта тиклаш, ёшларни "Уста-Шогирд" дастури асосида касб-ҳунарга ўргатиш ва миллий қадриятларимизни уларнинг онгига сингдириш ҳамда ишлаб чиққан маҳсулотларини сотиш ва экспорт қилишга кўмак бермоқда.

Кўргазманинг очилишида сўзга чиққанлар мамлакатимизда бу йўналишда қўлга киритилаётган ютуқлар ҳақида атрофлича тўхталиб ўтишди. Бу каби ютуқлар "Ҳунарманд" уюшмаси тизимидаги ўн тўққизта бўлимда ўттиз уч йўналиш бўйича маҳсулотлар тайёрлаётган ўн олти мингдан зиёд хунармандларнинг фаолияти билан чамбарчас боғлиқ десак муболаға бўлмайди. Улар томонидан яратилган ҳар бир иш дунёнинг кўплаб шаҳарларида жозибадор ва нафис жиҳатлари билан ўз ихлосмандига эга бўлмоқда.

**Рустам ҲАЙДАРОВ,**
**"Туркистон-пресс"**

*Иқтисодиёт*

# ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН

**«ТРАНСМАХСУСҚУРИЛИШ» УЮШМАСИ ТАРКИБИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН «ҚЎЙЛИҚ АСФАЛЬТ-БЕТОН» ЗАВОДИНИНГ НУФУЗИ ОРТИБ БОРМОҚДА.**

Корхонанинг кўп сонли жамоаси пойтахтимиздаги йўллар чиройини очиш ҳамда равон йўлкалар барпо этиш борасида бой тажриба орттирган.

Пойтахтимизда катта Ҳалқа йўлини кичик Ҳалқа йўлига туташтирувчи Истироҳат кўчасига бир текис асфальт ётқизишда ҳам завод ишчи-хизматчилари фаоллик кўрсатишди.

Кейинги йилларда корхона энг замонавий транспорт воситалари билан таъминланди. Оғир юк кўтарувчи «КамАЗ» русумли автомобиллардан бир нечтаси олиб келинди. Бундан ташқари лизинг асосида асфальт ётқизувчи ва текисловчи янги техникалар ҳам харид қилинди. Мустаҳкам техник негизга эга бўлганлиги сабабли ҳам корхона буюртмаларни ўз вақтида тез ва аъло даражада уддалашга муваффақ бўлмоқда.

**Нозима АКРОМОВА**

*Маънавият*

# ЎҚУВ МАСКАНИДА ЭЛЕКТРОН КУТУБХОНА

**ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ВА ЙЎЛЛАР КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ЎЗИНИНГ АДАБИЁТЛАРГА БОЙ КУТУБХОНАСИГА ЭГА. УНДАГИ КИТОБ ЖАМҒАРМАСИНИ БОЙИТИШДА ЧИЛОНЗОР ТУМАН МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ БЎЛИМИГА ҚАРАШЛИ КУТУБХОНА ЖАМОАСИ ҲАМ ЯҚИНДАН ЁРДАМ БЕРДИ.**

Коллеж ҳузуридаги ахборот-ресурс маркази саъй-ҳаракати билан эса зиё маскани технологияларини автоматлаштиришга киришилди. Бу эса кутубхона хизматидан баҳраманд бўлаётганларга энг сўнгги ютуқларга асосланган маълумотларни ўз вақтида олиш имконини беради.

Эндиликда ахборот-ресурс марказининг ҳужжатлари тўғрисидаги библиографик маълумотлар асосида электрон кутубхона ҳам юзага келмоқда.

Мазкур кутубхона келгусида нафақат ўқувчиларга, балки аҳолига ҳам маънавий хизмат кўрсатадиган бўлади.

**Анвар ВАЛИЕВ**

**РЕСПУБЛИКА ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАН БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАРГА ЁРДАМ БЕРИШ «UMP» ЖАМОАТЧИЛИК МАРКАЗИ, МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТ МАРКАЗИ ЮНУСОБОД ТУМАН БЎЛИМИ, «КАМОЛОТ» ЁИҲ, «МАҲАЛЛА» ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИНИНГ ТУМАН БЎЛИМЛАРИ ТАШАББУСИ БИЛАН ТУМАН ЎҚУВЧИ-ЁШЛАР ТЕХНИК ИЖОДИЁТИ МАРКАЗИДА ЎТКАЗИЛГАН КЕЧАГА МАЗКУР ТАЪЛИМ МАСКАНИДА ТАЪЛИМ ОЛУВЧИ ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ИҚТИДОРЛИ ЎҚУВЧИЛАР ТАКЛИФ ЭТИЛДИ.**




*Тадбирлар*

# САХОВАТДАН ДИЛЛАР ЯЙРАДИ

Тадбирни таълим маркази директори Саодатхон Худойқулиева кириш сўзи билан очар экан, жумладан, шундай деди:

—Мамлакатимизда истиқлолнинг илк кунлариданоқ имконияти чекланган иқтидорли ўқувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг қобилият ва истеъдодини юзага чиқаришлари учун имкониятлар яратиб бериш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, соҳага йўналтирилган махсус таълим марказлари, касб-ҳунар муассасаларининг фойдаланишга топширилаётгани фикримиз тасдиғидир. Бугун биз ўтказаётган тадбир ҳам ана шу эзгу ишларнинг муҳим ва ажралмас бўлаги ҳисобланади.

Шундан сўнг йил давомида тўгаракларaро ўтказиб келинган «Энг фаол ўқувчи», «Энг яхши ракета моделчи», «Энг яхши бисер тўқувчи», «Энг яхши ёш мухбир» сингари номинациялар ғолиблари мутасадди ташкилотлар томонидан таъсис этилган совғалар билан тақдирланди.

— Бугунги тадбир айни кўнглимиздаги иш бўлди,— дейди тадбир қатнашчиси Зафар Султонов биз билан суҳбатда. — Негаки, давлатимизнинг бизларга эътибор қаратаётгани, ҳомий ташкилотларнинг ўз саховатини аямаётгани ҳаётга рағбатимизнинг ошишида ўз ҳиссасини қўшади.

Тадбир сўнгида йиғилганлар ўзбекона дастурхонга таклиф этилди. Шўх рақслар дилрабо куй-қўшиқларга уланиб кетди.

**Хидирали ПАНЖИЕВ**

**СУРАТДА: Юнусобод туман ўқувчи-ёшлар техник ижодиёт марказида ўтказилган кечадан лавҳа.**

**Козимжон Ўлмасов олган сурат**

*Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...*

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

## САЪДИЙ ШЕРОЗИЙ ҲИКМАТЛАР

**Фақирлар суҳбатидан юз ўгириб, уларга яхшилик қилишдан бўйин товламоқ саховат аҳлларига муносиб эмас.**

* * *

**Подшоҳ хизматида бўлган одамни амалдан бўшагандан кейин кўриш керак.**

* * *

**Бир соҳибдилга дедилар: "Офтоб ғоятда гўзал бўлганига қарамай, ҳеч кимса уни севгани ва ошиқи шайдоси бўлганини эшитмадик". Соҳибдил жавоб берди: "Бунинг сабаби шуки, у ҳар куни кўринади, лекин қишда кўздан пинҳон бўлгани учун ҳамма уни яхши кўради".**

* * *

**Донишмандлар: "Гўзаллар зулфи ақл оёғига кишану зийрак қушларга тузоқдир", дейдилар.**

* * *

**Барча олимларни қоралаш, айбсиз олим ахтараман, дея илм ўрганишдан бебаҳра қолмоқ оқилларга муносиб иш эмасдир.**

* * *

**Ўзи билан ўзи овора бўлган биродар – биродар ҳам, қариндош ҳам эмасдир, деганлар.**

* * *

**Бир мағрибий гадой Ҳалабдаги баззозлик растасида дерди: "Эй давлатмандлар! Башарти сизларда инсофу менда қаноат бўлганда эди, оламда тиланчилик деган гап қолмасди".**

* * *

**Эҳсон сўраб бировга хор бўлгандан кўра, муҳтожлик, очликда ўлган яхши.**

* * *

**Сафарнинг фойдаси кўпдир: баҳри дилинг очилади, фойда топасан, ажойиботларни кўрасан, ғаройиботларни эшитасан, шаҳарларни томоша қиласан, дўстлар билан суҳбатда бўласан, билим орттирасан, мол-мулку давлатингни кўпайтирасан, дўстларингни яқиндан таниб, тақдирни имтиҳон қиласан.**

* * *

**Ҳукамолар: "Кишининг ризқи-рўзи азалдан тайин этиб қўйилган бўлса ҳам, аммо уни қозонмоқ учун одам бақадри ҳол саъй-ҳаракатда бўлмоғи шартдир. Гарчи фалокат тақдирда ёзилган бўлса ҳам, лекин унинг келар эшигини бекитмоқ чорасини ахтармоқ зарур", деганлар.**

* * *

**Ҳукамолар: "Кимнинг кўнглига озор берган бўлсанг, ундан кейин юз маротаба уни хурсанд қилганингда ҳам аввалги қилган ёмонлигинг интиқомидан эмин бўлма, чунки ўқ жароҳати битади-ю, лекин кўнгил яраси битмайди", деганлар.**

* * *

**Ҳар нима бўлганида ҳам, меҳнат қилмасдан зар-зевар топмайсан, ҳаётингни хатар остига қўймагунча душман устидан зафар топмайсан, уруғ сочмасанг, ҳосил ўрмайсан.**

* * *

**Гапиришдан ўзимни тийишимнинг сабаби шуки, кўпинча гапнинг яхши ва ёмон томонлари бўлади, душманларнинг кўзи эса, ёмондан бошқа нарсага тушмайди.**

* * *

**Бир доно йигит илм-фанда ягона бўлиб, табиатан кўп гапиришни ёқтирмагани учун олимлар даврасида чурқ этиб оғиз очмас эди.**

**Бир кун отаси унга деди: "Ўғлим, сен ҳам билганларингдан гапирсанг-чи!" Ўғил жавобида деди: "Билмаганларимдан савол қилишса, уялиб қоламан, деб қўрқаман!"**

* * *

**Жолинус ҳаким бир жоҳил одам бир донишманднинг ёқасидан бўғиб турганини кўрди. У деди: "Агар бу одам донишманд бўлганида эди, унинг иши жоҳил билан бу даражага етмаган бўларди!"**

* * *

**Саҳбони Воилни фасоҳатда тенги йўқ деб ҳисоблар эдилар, чунки у бир мажлисда бир йил давомида сўзласа ҳам, бир ишлатган сўзини такрорламасди. Бир фикрни иккинчи марта айтишга мажбур бўлган тақдирда ҳам, бошқа иборалар билан ифода этарди.**

* * *

**Эшитдимки, донишмандлардан бири дер экан: "Биров гапини тугатмасидан бурун гапга аралашадиган кишидан кўра ортиқроқ ўз нодонлигини ошкор қиладиган одам бўлмайди".**

* * *

**Кўнгилга марғуб бўлган, кўзга ҳам маҳбуб бўлади.**

* * *

**Олим жоҳилдан қандай нафратланса, жоҳил олимдан ҳам юз чандон ортиқроқ нафрат қилади.**

* * *

**Юнон файласуфлари: "Бадан қанчалик соғлом бўлса ҳам, лекин соғломликларнинг доимий эканига ишониб бўлмайди, касал нақадар оғир бўлмасин, бу албатта ҳалокат нишонаси бўлавермайди", деганлар.**

* * *

**Кексалар ақлу одоб билан ҳаёт кечирадилар, йигитлар эса ёшликда хос тентаклик билан яшайдилар.**

* * *

**Донишмандлар демишлар: "Юриб дам олмоқ – югуриб силласи қуриб йиқилгандан яхшироқдир!".**

* * *

**Бир қари кишидан: "Нега уйланмайсан?" деб сўрадилар. "Кампирлар суҳбатидан ҳузур қила олмайман", деб жавоб берди чол. Унга дедилар: "Давлатинг бор, ёш хотинга уйлан!" Чол жавоб берди: "Мен чол бўла туриб кампирни ёқтирмаганимдан кейин, ёш хотин мен кексани қандай яхши кўрсин?"**

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган**

